

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	50432,3	108,0
Саноат маҳсулоти	28493,9	108,2
Истеъмол товарлари	10107,3	114,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	12943,2	107,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	12080,6	110,5
Қурилиш ишлари	6291,8	116,1
Юк айланмаси, млрд.тн–км	40,5	104,0
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	43,7	106,6
Чакана товар айланмаси	20664,7	114,6
Пуллик хизматлар	7955,7	111,0
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	13194,0	109,8
Экспорт	6818,2	111,4
Импорт	6375,8	108,1

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2013 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, дастлабки маълумотларга кўра, жорий нархларда 50432,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 8,0 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,5 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 17,5 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.


Январь–июнда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 539,2 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони

512,2 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,0 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг (фермер хўжаликларисиз) асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 24,7 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (20,9 фоизи), саноат (14,2 фоизи) ва қурилиш (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2013 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз) иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	304,5	100,0	279,3	100,0
шу жумладан:				
саноат	43,1	14,2	38,7	13,9
қурилиш	22,5	7,4	19,6	7,0
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	63,6	20,9	61,4	22,0
транспорт ва алоқа	10,1	3,3	9,1	3,2

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	22,4	7,3	20,0	7,2
савдо ва умумий овқатланиш	75,3	24,7	65,6	23,5
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,9	1,3	3,4	1,2
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	10,9	3,6	10,5	3,8
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,5	7,1	21,1	7,5
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	31,2	10,2	29,9	10,7



Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,7 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,2 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 18,7 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 21,9 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2012 й.

2013 й.



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

2013 йилнинг январь–июнида жами 22,5 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,3 фоизи), Қашқадарё (8,5 фоиз), Самарқанд (8,2 фоизи) ва Жиззах (8,0 фоиз) вилоятларига тўғри келади.


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 37,7 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 19,8 фоизи саноат, 18,8 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 14,7 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 3,3 мингтаси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 31,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 25,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 14,2 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2013 йилнинг январь–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2013 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 43,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга

кўпдир. 2013 йилнинг январь–июнида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 25,9 фоизни ташкил этди, 2012 йилнинг январь–июнида ушбу кўрсаткич 25,8 фоизга тенг бўлган.

2013 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

9371,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 75,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7117,9 минг нафари индивидуал сектор, 2253,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6531,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 22,9 фоизи) ёки 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 113,9 фоизни ташкил қилди;

3963,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,8 фоизи) ўзлаштирилди ва 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,7 фоизни ташкил қилди;

4460,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,9 фоизи) бажарилди ва 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 112,0 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 7,0 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 80,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 6,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 87,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 43,8 фоизи ёки 9046,7 млрд. сўми (ўсиш 11,9 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 40,9 фоизи ёки 3251,6 млрд. сўми (ўсиш 5,5 фоиз) шакллантирилди;

1308,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 19,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 2594,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 40,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.


2013 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	6531,7	31,4
Қишлоқ хўжалиги	12711,2	100,0
Қурилиш	4460,5	78,4
Чакана савдо	9046,7	69,6
Пуллик хизматлар	3251,6	87,3
Юк ташиш, млн.тн	228,2	71,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	2715,7	93,5
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1308,0	4,8
Импорт, млн. АҚШ долл.	2594,9	15,7

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8592,9 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,7 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2013 йил январь–июнь ҳолатига 40 та (дастурий ва нодастурий объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп хусусийлаштирилган объектлар Андижон вилоятига (5 та объект) тўғри келади. Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхандарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида – 4 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса 3 тадан объектлар хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади – 24 та объект.

2013 йилнинг январь–июнида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 16,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 61,3 фоизи) ва Тошкент (8,2 фоиз), Фарғона (6,1 фоиз), Хоразм (4,0 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

2013 йилнинг январь–июнида ташқи савдо айланмаси 13194,0 млн. АҚШ долларини, жумладан 6818,2 млн. АҚШ долларини – экспорт операциялари, 6375,8 млн. АҚШ долларини – импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 106,9 фоизни (ўтган йилнинг шу даврида 103,7 фоизни) ташкил қилди.


Ташқи савдо қолдиғи 442,4 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 1450,6 млн. АҚШ долларини, бошқа давлатлар билан минус 1008,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2013 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	13194,0	100,0
МДҲ мамлакатлари	6185,4	46,9
бошқа давлатлар	7008,6	53,1
Экспорт	6818,2	100,0
МДҲ мамлакатлари	3818,0	56,0
бошқа давлатлар	3000,2	44,0
Импорт	6375,8	100,0
МДҲ мамлакатлари	2367,4	37,1
бошқа давлатлар	4008,4	62,9
Қолдиқ	442,4	х
МДҲ мамлакатлари	1450,6	х
бошқа давлатлар	-1008,2	х

Январь–июнда республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




2013 йилнинг январь–июнида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	таркиби, фоиз ҳисобида	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	111,4
пахта толаси	9,9	94,2
озиқ–овқат маҳсулотлари	11,0	2,2 м.
улардан истеъмол маҳсулотлари	7,6	169,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,6	91,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	36,0	114,8
қора ва рангли металллар	6,6	89,0
машина ва ускуналар	5,6	79,1
хизматлар	17,3	106,0
бошқалар	9,0	126,4
Импорт	100,0	108,1
озиқ–овқат маҳсулотлари	10,2	95,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,2	114,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,9	115,4
қора ва рангли металллар	7,5	110,9
машина ва ускуналар	45,6	105,1
хизматлар	5,2	118,1
бошқалар	10,4	116,1

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2013 йилнинг январь–июнида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	26,9	97,7
Хитой	17,3	158,6
Қозоғистон	12,1	125,3
Корея Республикаси	8,3	94,5
Туркия	4,7	110,2
Украина	4,4	135,6
Афғонистон	2,1	97,4


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Германия	1,7	95,3
АҚШ	1,4	64,6
Франция	1,3	92,2
Туркменистон	1,3	90,8
Эрон	1,0	52,3
Ҳиндистон	1,0	144,7
Япония	1,0	2,2 м.
Латвия	1,0	92,9
Бразилия	0,9	81,1
Польша	0,7	158,8
Қирғизистон	0,7	145,1
Беларусь	0,7	130,1
Швейцария	0,6	183,0
Италия	0,6	119,4
Бангладеш	0,6	81,1
Тожикистон	0,5	90,9
БАА	0,5	68,7
Буюк Британия	0,4	67,4
Чехия Республикаси	0,4	126,1
Бельгия	0,3	102,5
Малайзия	0,3	90,2
Нидерландия	0,3	93,4

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Австрия	0,2	47,4


2013 йилнинг январь–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДҲ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДҲ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2013 йилнинг январь–июнида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 28493,9 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 10107,3 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати

114,4 фоизни ташкил этди, жумладан, 4332,3 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари (107,9 фоиз), 5775,0 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (119,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2013 йилнинг январь–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012 й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	28493,9	108,2
шу жумладан:		
электроэнергетика	2335,1	100,7
ёқилғи саноати	4885,4	102,5
қора металлургия	680,8	104,5
рангли металлургия	2703,3	96,7
кимё ва нефт–кимё саноати	1554,0	105,3
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	5219,8	123,0
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	328,9	111,7
қурилиш материаллари саноати	1692,5	111,9
енгил саноат	3808,8	115,1
озиқ–овқат саноати	3722,7	107,1
Истеъмол маҳсулотлари	10107,3	114,4
шу жумладан:		

	млрд. сўм	2012 й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ–овқат маҳсулотлари	4332,3	107,9
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	5775,0	119,8

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт– кимё саноати
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза– қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ– овқат саноати
- Бошқа тармоқлар

Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи–энергетика саноати		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	27,1	103,8
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	9,6	96,6
Кўмир, минг тн	2067,5	154,8
Суюлтирилган газ, минг тн	191,1	142,8
Қора металлургия		
Пўлат, минг тн	388,4	101,1
Тайёр прокат, минг тн	366,8	100,8
Пўлат қувурлар, минг тн	50,5	115,1
Сирланган пўлат идишлар, минг тн	1,2	108,3
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Минерал ўғитлар (100 % моддалар тўйимлилиги қайта ҳисобида), минг тн:		
фосфатли	80,0	105,1
калийли	59,7	89,8
Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, тн	2062,1	112,4
Супрефос, минг тн	108,5	103,2
Фосфорли экстракцион ишқор, минг тн	73,6	110,5

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Аммоний сульфати, минг тн	133,2	118,2
Кальцийланган сода, минг тн	50,5	126,3
Термопласт қувурлар ва қувур деталлари, тн	4739,0	98,9
Лок–бўёқ маҳсулотлари, минг тн	20,7	94,3
Ўткир азотли ишқор моногидратда, минг тн	26,9	179,1
Олтингугурт кислотаси, минг тн	671,1	106,2
Хлор кислотаси, минг тн	27,3	109,7
Синтетик ювиш воситалари, тн	325,0	128,0
Резина пойафзаллари, минг жуфт	905,0	117,1
Полиэтилен пленкалари, тн	707,2	5,0 м.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати

Енгил автомобиллар, минг дона (маҳсуслардан ташқари)	120,2	110,7
Юк автомобиллар, дона	1627	172,2
Автобуслар, дона	494	123,2
Махсус автомобиллар, дона	276	130,8
Автомобил двигателлари, дона	55318	108,3 м.

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Аккумуляторлар, минг дона	231,8	104,1
Тракторлар, дона	1049	2,1 м.
Трактор прицеplари, дона	743	2,9 м.
Бороналар, дона	430	1,9 м.
Ғалла ўриб йиғадиган машиналар, дона	200	144,9
Ўргичлар, дона	50	113,6
Компрессорлар, дона	47	142,4
Кучли қувват кабеллари, км	4773	96,4
Огоҳлантириш ғимоя кабеллари, км	3126,0	193,6
Маиший ўтказгичлар, км	10551	117,5
Қобиқли симлар, км	6431	135,4
Ўрнатиловчи ўтказгичлар, км	14607	116,3
Телевизорлар, дона	10067	136,5
Контактли изоляцияланмаган симлар (троллейли), тн	152,0	2,4 м.
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	1826,1	2,1 м.
Энергия тежовчи лампалар, минг. дона	1357,4	139,9

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	3425,7	102,4
Бойитилган каолин, тн	13185,0	141,5
Асбест–цемент листлар (шифер), млн. шартли плиталар	93,2	104,5
Йиғма темир–бетон конструкциялари ва деталлари, минг. куб м. маҳсулот	62,5	105,9
Деворларни ички қоплаш учун кера– мик плиталар, минг шартли кв.м.	2400,0	133,3
Қуруқ қурилиш аралашмалари, минг тн	19,5	148,9
Асфалтобетон, минг тн	362,2	132,8
Гипсли тош, минг тн	217,3	149,3
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Тобланган автомобил ойналари, минг кв.м.	379,7	94,6
Дераза ойнаси (2 мм ҳисобида), минг кв.м.	6693,2	129,0
Консерва шиша идишлари, млн. дона	151,4	128,0
Енгил саноат		
Ипак толаси, тн	40,9	145,0

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Пахта момиғи, минг тн	43,7	111,5
Трикотаж маҳсулотлар, млн. дона	49,7	143,8
Пахта толали ип калавалар, минг тн	87,6	130,0
Пахта толали матолар, млн.кв.м.	37,6	141,5
Аралаш матолар, минг кв.м.	337,0	2,0 м.
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	2653,0	122,1
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м.	355,3	118,2
Тери маҳсулотлари, минг кв.дм.	17780,0	66,1
Тўқимачилик атторлик буюмлари, млн. сўм	49,2	1,7 м.
Озиқ–овқат саноати		
Истеъмол спирти, минг дал.	3091,0	107,9
Узум виноси, минг дал.	1148,0	100,7
Ароқ ва ликер–ароқ маҳсулотлари, минг дал.	6287,0	105,4
Шампан виноси, минг дал.	37,6	103,3
Ош тузи, тн	17450,0	103,9
Минерал сувлар, млн. яримлитр	161,1	112,0

	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Мева–сабзавот консервалари, млн. шартли банкалар	64,5	154,1
Балиқ консервалари, минг шартли банкалар	134,0	112,6
Тозаланган ёғ, минг тн	111,8	126,2
Сариёғ, тн	136,0	167,9
Сут ва сут маҳсулотлари, тн	8567,0	137,9
Нон ва нон маҳсулотлари, минг тн	16,1	120,4
Музқаймоқ, тн	1395,0	101,5
Макарон маҳсулотлари, минг тн	10,5	147,4
Хўжалик совуни, минг тн	22,3	107,0
Маргарин маҳсулотлари, тн	9500,0	128,3
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	656,8	91,0
Ёрма, тн	9777,0	31,0 м.
Омихта ем, минг тн	420,3	95,8
Бошқа тармоқлар		
Целлюлоза, тн	3489,0	78,2
Тоза қоғоз моллари, млн.сўм	12839,8	118,7


	2013 йил январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Мактаб дафтарлари, минг дона	27471,0	105,2
Газета маҳсулотлари, млн. нусха	107,4	121,8
Китоб–журнал маҳсулотлари, млн. босма варақ	147,7	142,8

Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–июнида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми 12943,2 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 7488,5 млрд. сўмни (107,5 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 5454,7 млрд. сўмни (107,2 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Дехқончилик. Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 57,9 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июль ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3634,6 минг гектар майдонни ташкил қилди, ўтган йил шу даврига нисбатан 50,7 минг гектар майдонга кўп экин экилган.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1632,3 минг гектарни (2012 йил январь–июнига нисбатан 27,3 минг гектарга кўп), пахта экин майдони 1313,1 минг гектарни (5,4 минг гектарга кўп), картошка экин майдонлари 78,5 минг гектарни (3,0 минг гектарга кўп), сабзаёт экинлари майдони 188,5 минг гектарни (6,0 минг гектарга

кўп), озуқа экинлари майдони 301,9 минг гектарни (3,1 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

2013 йил ҳосили учун асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экин майдонлари қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–июнь	
	минг гектар	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Экин майдони	3634,6	100,0
Донли экинлар	1632,3	44,9
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	1536,2	42,3
шундан:		
буғдой	1449,9	39,9
шоли	39,6	1,1
дон учун маккажўхори	33,7	0,9
Техник экинлар	1383,3	38
шу жумладан ғўза	1313,1	36,1
Картошка	78,5	2,2
Сабзавот	188,5	5,2
Полиз	49,5	1,4
Озуқа экинлари	301,9	8,3

Ҳосилни йиғиб–териб олиш. Жорий йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 5769,8 минг тонна донли, шу жумладан 5760,6 минг тонна бошоқли экинлар, шундан 5684,9 минг тонна буғдой йиғиб олинди.

Ҳисобот даврида 1101,0 минг тонна картошка қазиб олинди, 2190,3 минг тонна сабзавот, 135,7 минг тонна полиз экинлари, 710,7 минг тонна мева ва резаворлар ва 19,9 минг тонна узум йиғиб

олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,1 фоизни (2012 йил январь–июнида 46,1 фоиз) ташкил этди.

2013 йил 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 498,6 минг бошга (5,1 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 49,0 минг бошга (1,2 фоизга), қўй ва эчкилар сони 1021,8 минг бошга (6,1 фоизга), паррандалар сони 4855,5 минг бошга (11,1 фоизга) кўпайди.

2013 йил 1 июль ҳолатига барча хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар сони қуйидагича ифодаланади:

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамол	10281,9	105,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	509,2	100,2
деҳқон хўжаликлари	9669,3	105,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	103,4	100,8
шунингдек, сигирлар	4005,0	101,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	177,1	98,6
деҳқон хўжаликлари	3796,5	101,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	31,4	98,7
Қўй ва эчкилар	17709,0	106,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1274,8	104,5
деҳқон хўжаликлари	14532,2	107,7
қишлоқ хўжалик корхоналари	1902,0	96,4

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Отлар	202,5	102,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	18,1	94,6
деҳқон хўжаликлари	171,6	103,5
қишлоқ хўжалик корхоналари	12,8	101,5
Паррандалар	48723,5	111,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	5646,6	104,8
деҳқон хўжаликлари	31177,0	115,6
қишлоқ хўжалик корхоналари	11899,9	103,4

Деҳқон хўжалиklarининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонининг 94,0 фоизи, сигирларнинг – 94,8 фоизи, қўй ва эчкиларнинг

– 82,1 фоизи, отларнинг – 84,8 фоизи, паррандаларнинг – 64,0 фоизи, фермер хўжалиklarига эса йирик шохли қорамолларнинг 5,0 фоизи, сигирларнинг – 4,4 фоизи, қўй ва эчкиларнинг – 7,2 фоизи, отларнинг – 8,9 фоизи, паррандаларнинг – 11,6 фоизи тўғри келади.

2013 йил январь–июнь ҳолатига барча тоифадаги хўжалиklarда 831,7 минг тонна гўшт (тирик вазнда) (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 фоизга кўп), 3444,1 минг тонна сут (7,1 фоизга кўп), 2262,7 млн. дона тухум (16,9 фоизга кўп), 16,2 минг тонна жун (6,0 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	831,7	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	20,2	110,0

	2013й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоизда
деҳқон хўжаликлари	789,0	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	22,5	106,7
Сут, минг тн.	3444,1	107,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	119,1	111,2
деҳқон хўжаликлари	3302,6	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	22,4	110,1
Тухум, млн. дона	2262,7	116,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	213,7	105,4
деҳқон хўжаликлари	1259,6	117,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	789,4	118,6
Жун, тн.	16242,0	106,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1234,0	105,8
деҳқон хўжаликлари	13761,0	106,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	1247,0	101,1
Қоракўл тери, минг дона	894,6	93,6
шу жумладан:		

	2013й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоизда
фермер хўжаликлари	44,6	111,6
деҳқон хўжаликлари	647,2	106,0
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	202,8	66,5

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришдаги ўсиш барча вилоятлар бўйича асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошди. Деҳқон хўжаликларининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда

95,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 55,7 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2013 йилнинг январь–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3085,8 млрд. сўмни ёки 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,6 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликларида 2012 йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар – 1,2 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга), қўй ва эчкилар – 55,3 минг бошга (4,5 фоизга), паррандалар – 259,6 минг бошга (4,8 фоизга) кўпайди.

2013 йил январь–июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Бошоқли экинлар	4771,5	82,7	102,0
шу жумладан, буғдой	4770,3	82,8	102,0
Картошка	123,0	11,2	117,3
Сабзавотлар	348,4	15,9	113,3
Полиз экинлари	52,2	38,5	108,7

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Мевалар	244,5	34,4	112,8
Узум	5,7	28,4	116,6
Гўшт (тирик вазнда)	20,2	2,4	110,0
Сут	119,1	3,5	111,2
Тухум, млн. дона	213,7	9,4	105,4
Жун, тонна	1234,0	7,6	105,8
Қоракўл, минг дона	44,6	5,0	111,6

Инвестициялар ва қурилиш

2013 йилнинг январь–июнида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларидаги эквивалент ҳажми 5,9 миллиард АҚШ долларини ёки 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 111,5 фоизни ташкил қилди.

2013 йилнинг январь–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 12080,6 млрд. сўмга тенг бўлди ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 110,5 фоизга ўсди.

2013 йилнинг январь–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

жами

шу жумладан молиялаштириш
манбалари бўйича

	инвести- циялар, млрд. сўм						
		Давлат бюджети маблағлари	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	бюджетдан ташқари фондлар маблағлари *)
Жами	12080,6	5,1	0,4	55,7	19,3	9,4	10,1
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
Давлат	2887,4	21,1	1,6	22,2	17,1	2,2	35,8
нодавлат	9193,2	0,0	–	66,2	20,2	11,6	2,0


*) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

2013 йилнинг январь–июнида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба– тан фоизда
Жами	12080,6	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	7556,5	62,6
саноат	3938,0	32,6
шу жумладан:		
ёқилғи–энергетика саноати	2197,7	18,2
металлургия	328,1	2,7
кимё ва нефт–кимё саноати	250,0	2,1
машинасозлик	358,8	3,0
енгил саноат	338,9	2,8
озиқ–овқат саноати	136,4	1,1
қурилиш материаллари саноати	174,9	1,4
қишлоқ хўжалиги	516,9	4,3
қурилиш	244,2	2,0
транспорт ва алоқа	1999,9	16,6
савдо ва овқатланиш	509,7	4,2
геология ва ер ости бойликларини излаш	148,2	1,2
бошқалар	199,6	1,7
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	4524,1	37,4
уй–жой қурилиш	2884,1	23,9
коммунал хўжалик	276,8	2,3
соғлиқни сақлаш	383,0	3,2
таълим	461,6	3,8
маданият ва санъат	80,2	0,6
бошқалар	438,4	3,6

Иқтисодий тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитлари—ни ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 2884,1 млрд. сўми уй—жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 23,9 фоизни ташкил этди.

2013 йилнинг январь—июнида умумий майдони 5059,7 минг кв.м. бўлган 38,7 мингта уй ёки 39,7 мингта хонадон (2012 йил январь—июнига нисбатан 104,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 3752,9 минг кв.м. (103,1 фоиз) уй—жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга — 174,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 45,4 фоизини ташкил қилди.

Лицейлар ва касб—ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 75,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг

1,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 16,4 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактаблар ва уларга тегишли спорт иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлашда 121,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 26,4 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 215,1 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 113,5 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 52,8 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 90,5 млрд. сўм (42,1 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 8,2 млрд. сўм (3,8 фоизи),


корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 1,5 млрд. сўм (0,7 фоизи) ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,4 млрд. сўм (0,6 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди; газ тармоқлари қурилишига 6,7 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 6,5 млрд. сўм (97,0 фоизи), бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (3,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2013 йилнинг январь–июнида 6291,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 116,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,9 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 17,6 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,5 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2013 йилнинг январь–июнида барча транспорт турлари томонидан 629,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан 4,0 фоизга ўсди ва 40,5 млрд.тн–км.ни ташкил қилди.



Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2013 й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	629,6	104,5
темир йўл транспортида	31,3	104,7
автомобил транспортида	564,1	104,5

	2013 й. январь–июнь	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
ҳаво транспортида, минг тн	9,8	82,2
қувур йўллари орқали	34,2	105,1
Юк айланмаси, млн. тн–км	40471,3	104,0
темир йўл транспортида	11573,5	100,0
автомобил транспортида	11615,1	105,8
ҳаво транспортида	52,1	86,2
қувур йўллари орқали	17230,6	105,6

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



- Автомобил транспорти
- Қувур йўли
- Темир йўл транспорти
- Ҳаво транспорти

2013 йил январь–июнида асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	31336,9	104,7
шу жумладан:		
тошкўмир	2675,6	2,1р.
нефт маҳсулотлари	5915,9	86,7
қора металллар	414,9	87,0
қора метал темир–терсаклари	366,1	80,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	2163,0	103,0
қурилиш материаллари	3762,6	117,4
цемент	2333,0	98,2
ёғоч–тахта материаллари	57,3	95,8
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	566,0	108,0

Автомобил транспортида 564,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2012 йил январь–июнига нисбатан 4,5 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 11,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 5,8 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2012 йил январь–июнь даражасидан 6,7 фоизга кўпайди ва 8,6 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 74,3 фоизни (2012 йил январь–июнида – 73,7 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 9,8 минг тонна юк жўнатилиб, 2012 йил январь–июнига нисбатан 17,8 фоизга пасайди, юк айланмаси эса 13,8 фоизга камайди ва 52,1 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 17,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2012 йил январь–июнига нисбатан 5,6 фоизга кўпайди.

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 3302,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йил январь–июнига нисбатан 4,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 6,6 фоизга кўпайиб, 43,7 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2013й. январь–июнь	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	3032,4	104,0
темир йўл транспортида	8,9	108,3
автомобил транспортида	3254,6	104,2
ҳаво транспортида	1,3	98,6
шаҳар электр транспортида	37,6	92,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	43681,5	106,6
темир йўл транспортида	1810,8	108,0
автомобил транспортида	38089,3	106,4
ҳаво транспортида	3531,1	108,3
шаҳар электр транспортида	250,4	91,5

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,6 фоизни, йўловчи айланмасида эса 87,2 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 8,3 фоизга ошди ва 8,9 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 8,0 фоизга ошди ва 1810,8 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1272,0 мингта йўловчи ташилди, бу 2012 йил январь–июнига нисбатан 1,4 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 3531,1 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, 8,3 фоизга кўпайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 8,4 фоизга камайди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2013 йил январь–июнда чакана товар айланмаси 20664,7 млрд. сўмни ёки 2012 йил январь–июнига нисбатан 114,6 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 51,8 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 48,2 фоизни ташкил қилди (2012 йил январь–июнида мос равишда – 50,1 ва 49,9 фоиз).

2013 йил январь–июнида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012й. январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	20664,7	114,6
давлат мулки	49,1	140,2
нодавлат мулки	20615,6	114,5
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	14888,7	113,3

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 7712,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2012 йил январь–июнига нисбатан 15,4 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 37,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 22,3 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 12,6 фоизга ошди ва 8704,5 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 42,1 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 4247,7 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2012 йил январь–июнига нисбатан

17,3 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 20,6 фоизга тенг бўлди.

2013 йил январь–июнда чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2012 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	20664,7	114,6	100,0
савдо корхоналари	7712,5	115,4	37,3
бозорлар	12952,2	114,1	62,7
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	4247,7	117,3	20,6
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	8704,5	112,6	42,1

2013 йилнинг январь–июнида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 7955,7 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2012 йил–нинг январь–июнига нисбатан 111,0 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 66,1 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 5261,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 10,2 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,6 фоизга ўсиб, 2694,2 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 33,9 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 81,1 фоизни ташкил қилди.

2013 йил январь–июнда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
------------	--

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	7955,7	100,0
давлат мулки	1500,8	18,9
нодавлат мулки	6454,9	81,1
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	2886,5	36,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 6,1 фоизни ёки 485,9 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2012 йил январь–июнига нисбатан 15,7 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 85,5 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 415,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 14,3 фоизга ошди.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 28002,2 млрд. сўмни ташкил қилди. 2012 йилнинг январь–июнига нисбатан хизматлар ҳажмининг реал ўсиш суръати 12,1 фоизни ташкил этди.

2013 йил январь–июнда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	28002,2	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:		
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1679,4	6,0
Компьютерли дастурлаш хизматлари	43,2	0,2
Молиявий хизматлар	2555,8	9,1
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	8004,7	28,6
Қурилиш хизматлари	1097,8	3,9

	млрд. сўм	умумий ҳажм- га нисбатан фоиз ҳисобида
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	161,4	0,6
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	33,2	0,1
Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини кўшган ҳолда)	123,2	0,4
Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	6001,3	21,4
Маиший хизматлар	574,6	2,1
Таълим хизматлари	791,9	2,8
Соғлиқни сақлаш хизматлари	293,6	1,1
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари	193,9	0,7
Бошқа хизматлар	6448,2	23,0

Компьютерли дастурлаш хизматлари (130,2 фоиз), молиявий хизматлар (128,5 фоиз), қурилиш хизматлари (126,6 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (126,4 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (125,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (121,5 фоиз), маиший хизматлар (117,7 фоиз), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (116,9 фоиз), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар (115,3 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (115,2 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини кўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 28,6 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (21,4 фоизи), молиявий хизматлар (9,1 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,0 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Нарх ва тарифлар

Январь–июнда нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	ўртача ойлик даражаси		июн оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	3,4	3,5
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,9	0,9	5,3	5,2
Юк ташиш тарифла- рининг индекси	1,3	1,8	7,8	11,0
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,4	2,3	2,4	14,3

Январь–июнда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2012й.	2013й.
Жами	105,3	105,2
шу жумладан:		
электроэнергетика	104,7	105,8
ёқилғи саноати	99,0	104,4
қора металлургия	111,0	110,7
рангли металлургия	112,3	107,1
кимё ва нефт–кимё саноати	104,6	113,1

	2012й.	2013й.
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	111,0	101,3
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	107,4	102,4
қурилиш материаллари саноати	118,3	121,8
енгил саноат	100,2	102,5
озиқ–овқат саноати	103,1	102,7
ун–ёрма саноати	100,0	100,0

**Январь–июнда транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2012й.	2013й.
Юк транспорти – жами	107,8	111,0
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	108,1	109,6
автомобил транспорти	105,0	112,1
ҳаво транспорти	98,1	106,3
қувур йўллари	107,3	112,0

**Январь–июнда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2012й.	2013й.
Жами хизматлар	102,4	114,3
шу жумладан:		
почта алоқаси	100,9	100,0
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0

	2012й.	2013й.
телеграф алоқаси	100,0	100,0
уяли алоқа	105,1	148,5

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони 30183,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 189,9 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди. Шундан 51,2 фоиз аҳоли ёки 15439,8 минг киши шаҳар ва 48,8 фоиз аҳоли ёки 14743,6 минг киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Январь–июнда аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2012 йил	2013 йил
Туғилганлар	18,2	18,3
Ўлганлар	4,8	4,7
шу жумладан бир ёшгача болалар ^{*)}	9,9	10,1
Никоҳлар	7,5	7,3
Ажралишлар	0,6	0,7

Туғилиш даражаси. 2013 йилнинг январь–июнида туғилиш коэффицентлари 18,3 промиллени ташкил қилди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 промиллега кўпайди (2012 йил январь–июнида 18,2 промилле).

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим коэффицентлари 4,7 промиллени ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига (4,8 промилле) нисбатан 0,1 промиллега камайди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,1 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,3 фоизи – ўсма касалликларидан, 6,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,4 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан вафот этган.

^{*)} ҳар 1000 та туғилганга

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–июнида бир ёшга тўлмаган болалар ўлими сони 3,2 мингтани ташкил қилди. Болалар ўлими коэффиценти 10,1 промиллени ташкил қилди.

Жами бир ёшга тўлмасдан ўлган болалардан 47,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 32,0 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,6 фоизи туғма аномалиялардан ва 4,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2013 йилнинг январь–июнида ФХДЁ органларида 108,4 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 11,1 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан 7,3 та (2012 йилнинг шу даврида – 7,5 та) никоҳ ва 0,7 та (2012 йилнинг шу даврида – 0,6 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 83,6 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 96,8 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 13,2 минг кишини (2012 йилнинг шу даврида – минус 18,7 минг киши) ташкил этди.

Бандлик. Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 12410,1 минг кишини ташкил қилди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (4,0 фоизга), қурилишда (3,3 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,2 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (2,9 фоизга), транспорт ва алоқада (2,7 фоизга), саноатда (1,6 фоизга) кузатилди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 80,6 фоизга етди, бу кўрсаткич 2012 йилнинг шу даврида 80,1 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик^{*)}. 2013 йил июнь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 13,7 минг кишини (2012 йилнинг шу даврида – 16,6 минг киши) ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2013 йил январь–июнида 630,6 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 4,8 фоизга тенг бўлди.

Республика миқёсида юқори ишсизлик даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (ишсизлар сони – 39,7 минг киши ёки иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 6,1

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида.

фоиз), Андижон
(66,9 минг киши ёки 5,4 фоиз), Самарқанд (75,1 минг киши ёки 5,3
фоиз), Наманган (49,3 минг киши ёки 5,3 фоиз), Қашқадарё (57,5 минг
киши
ёки 5,2 фоиз), Хоразм (36,6 минг киши ёки 5,2 фоиз), Навоий
(22,3 минг киши ёки 5,2 фоиз) ва Сурхондарё (46,9 минг киши
ёки 5,1 фоиз) вилоятларида кузатилди.